

## ТИББИЙ БУЮМНИ ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

### **Breather Treat (Бризер Трит) Ингаляцион ва интраназал юбориш учун стерил эритма**

#### **Таркиби**

1 ml (мл) эритма қуйидагиларни сақлайди : натрий хлориди – 30,0 mg (мг).

#### **Қадоқнинг таркиби**

4 ml (мл) дан полимер контейнерларда, 10 контейнердан картон қутида.

#### **Таърифи:**

Breather Treat (Бризер Трит) – ингаляцион ва интраназал юборилиш учун стерил эритма, у осмотик самара туфайли нафас олиш аъзоларининг яллиғланиш касалликлари бўлган пациентларда юқори ва қуйи нафас йўллари шиллик қавати секретини суюлтириш ва чиқарилишини яхшилаш йўли билан нафас олишни енгиллаштиради. Эритма инфекцион ва аллергия касалликларда ҳосил бўладиган ажралмаларни фаол тарзда суюлтириш ва чиқариш қобилияти туфайли юқори нафас йўллари шиллик қаватларининг химоя хусусиятларини рағбатлантиради. Нафас йўллариининг мажмуавий терапиясида, шу жумладан Breather AirOx (Бризер АйрОкс) ингаляцион тизимини қўллаш учун қўлланилади.

#### **Мақсадли буюрилиши**

Breather Treat (Бризер Трит) шиллик қават шишини камайтириш, секретни суюлтириш ва нафас олишни енгиллаштириш учун мўлжалланган.

#### **Қўлланилиши**

Ўткир респиратор вирусли инфекциялар, грипп, ларингитлар, трахеитлар, бронхитлар, бронхиолитлар, муковисцидоз, бронхоэктатик касаллиги ва ўпкаларнинг сурункали обструктив касалликлари. Шунингдек, бурун-ҳалқум, бурун бўшлиғи ва бурун ёндаш бўшлиқлари ўткир ва сурункали касалликларида, болаларда аденоидлар гипертрофиясида, йил бўйи ва мавсумий аллергия ринитда қўлланилади.

#### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Тиббий буюмнинг қандайдир компонентига юқори индивидуал сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

#### **Мақсадли гуруҳи (популяцияси)**

Нафас йўллари шиллик қавати шишини камайтиришга, секретни суюлтиришга ва нафас олишни енгиллаштиришга муҳтож бўлган шахслар.

#### **Қўллаш усули**

*Breather AirOx (Бризер АйрОкс) ингаляцион тизими ёрдамида қўллаш*

Эритманинг ингаляциясини юзга махсус ниқоб, мундштук (загубник) ёки назал канюля тақиб Breather AirOx (Бризер АйрОкс) ингаляцион тизим ёрдамида ўтказиш мумкин.

*Болаларга қўллашда (туғилишидан бошлаб):* 1 дан 4 ml (мл) гача эритма қўлланилсин. Дозаси, давомийлиги ва қўллаш тез-тезлиги шифокор томонидан белгиланади.

*Катталарга қўллашда:* кунига 2 марта бир контейнердан фойдаланилади. Зарурат бўлганида фойдаланиш тез-тезлиги кунига 4 мартагача оширилиши мумкин.

1. Breather AirOx (Бризер АйрОкс) ингаляцион тизимини фойдаланишга тайёрлаб қўйинг.
2. Фольгадан қилинган пакетни очинг ва бир марталик контейнерни ажратиб олинг. Контейнер шикастланмаганлигига ишонч ҳосил қилинг.

3. Ажратиб олинган контейнерни силкитинг. Бошқа контейнерларни фольгали пакетда қолдилинг ва уларни картон қутига жойлаштилинг. Зарурат бўлмаса контейнерларни пакетдан чиқарманг.
  4. Контейнерни юқори четидан ушлаб, уни очиш учун бошқа четини буранг.
  5. Контейнерни очилган четини пастга қаратиб Breather AirOx (Бризер АйрОкс) ингаляцион тизимига жойлаштилинг ва бироз босинг. Ҳамма эритма мосламанинг резервуарига оқиб тушганига ишонч ҳосил қилинг.
  6. Breather AirOx (Бризер АйрОкс) тизимининг резервуарини ёпинг ва мақсадга мувофиқ фойдаланинг.
- Фойдаланиб бўлгандан кейин Breather AirOx (Бризер АйрОкс) ингаляцион тизимини ювиб ташланг, эритма қолдиқларини утилизация қилинг.
- Муолажани бошлашдан олдин, Breather AirOx (Бризер АйрОкс) ингаляцион тизимидан фойдаланиш бўйича кўрсатмаларни ўқиб чиқинг. Breather AirOx (Бризер АйрОкс) ингаляцион тизимидан фойдаланиш бўйича кўрсатмаларга риоя қилинг.

### *Интраназал юбориш*

Ҳар бир бурун йўлига катталарга - 3 томчидан; болаларга - 1-2 томчидан суткада 3-4 марта қўлланилади.

Катталар учун қўллаш усули: муолажадан олдин қўлларни совун билан ювиш керак ва бурун йўллари ажралмаларидан бурун орқали кескин нафас чиқариш орқали тозалаб ташлаш керак. Эритма оқиб кетишини олдини олиш учун ётиш ёки ўтириш ва бошни орқага ташлаб, кейин эритмани томизиш керак. Эритмани ўнг бурун йўлига томизишда бошни бироз орқага ташлаб, чап томонга энгаштириш керак ва аксинча, чап бурун йўлига томизишда бош ўнг томонга энгаштирилиши керак. Томизилгандан кейин бошни орқага ташлаган ҳолда 2 минут давомида ётган маъқул, шундан кейин бурун йўллари суюлтирилган ажралмалардан тозалаб ташлаш лозим. Юздаги эритма қолдиқларини салфетка билан артиб ташлаш лозим.

Болалар учун қўллаш усули: Муолажани бошлашдан олдин қўллар совун билан ювилиши ва боланинг бурун йўллари эҳтиёткорлик билан ажралмалардан бўшатирилиши керак. Бурун секретдан тозалангандан кейин эритма ҳар бир бурун йўлига томизилади. Эритмани ўнг бурун йўлига томизишда боланинг боши бироз орқага ташланиб, чап томонга энгаштирилиши керак ва аксинча, чап бурун йўлига томизишда боланинг боши ўнг томонга энгаштирилиши керак. Томиздирилгандан кейин бола бошини орқага ташлаган ҳолда 2 минут давомида ётгани маъқул, шундан кейин болани ўтқизиб, бурун йўллари суюлтирилган ажралмалардан тозалаб ташлашга ёрдам бериш лозим. Юздаги эритма қолдиқларини салфетка билан артиб ташлаш лозим.

### **Ножўя реакциялари**

Эритма компонентларини индивидуал ўзлаштираолмаслиги бўлган шахсларда юқори сезувчанлик реакциялари бўлиши мумкин. Кам ҳолларда бурун шиллиқ қаватининг гиперемияси, бош айланиши, йўтал ёки бронхоспазм пайдо бўлиши мумкин.

Қандайдир ножўя реакциялар пайдо бўлган ҳолларда тиббий буюмдан фойдаланишни дарҳол тўхтатиб, шифокорга ёки ишлаб чиқарувчига хабар бериш лозим.

### **Чекловлар, эҳтиёткорлик чоралари ва огоҳлантиришлар**

- Эритма фақат ингаляцион ёки интраназал юбориш йўли орқали фойдаланишга мўлжалланган. Буюмдан қўллаш бўйича йўриқномасига биноан фойдаланинг. Агар Сизда саволлар бўлса, қўллашдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.
- Болалар томонидан фойдаланиш катталар назорати остида бўлиши керак!
- Тиббий буюмдан фойдаланишдан олдин қадоқнинг бутлигини ва ярқилик муддатини текшириб кўринг. Датслабки қадоғи шикастлангандан ёки ярқилик муддати ўтиб кетган бўлса, буюмдан фойдаланманг.

- Бошқа эритмалар ёки дори воситалари билан аралаштирилмасин!
- Буюм фақат бир марта фойдаланишга мўлжалланган. Такроран фойдаланиш касаллик юқишига олиб келиши мумкин. Такроран фойдаланманг.
- Тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича маҳаллий талабларга биноан утилизация қилинг.

### Сақлаш шароитлари

Қуёш нурларидан ҳимояланган, ҳарорати +5 °С дан +30 °С гача бўлган жойда сақланг. Болалар ололмайдиган жойда сақланг.

### Яроқлилик муддати

2 йил. Яроқлилик муддати шикастланмаган қадоқда сақлаш шароитларига риоя қилинганда амал қилади.

### Ишлаб чиқарувчининг номланиши ва манзили

«Юрия-фарм» МЧЖ, Украина, 03038, Киев ш., Н. Амосов кўч., 10.

Тел.: +38 (044) 275-92-42, +38 (044) 275-01-08.









E-mail: uf@uf.ua

www.uf.ua

Ишлаб чиқариш манзили: Украина, 18030, Черкасси ш., Кобзарская кўч., 108.

Тиббий буюм ҳақида фикр-мулоҳазаларингиз бўлса ёки изоҳ қолдирмоқчи бўлсангиз, қуйидаги усуллардан бирини қўлланг:

- 1) Электрон почтага хат юборинг feedback@uf.ua;
- 2) +38 (095) 275-33-01 рақамига Viber, Telegram ёки WhatsApp орқали матнли хабар юборинг
- 3) +38 (095) 275-33-01 ёки +38 (0800) 401-771 рақамларига қўнғироқ қилинг (ушбу рақамларга қўнғироқлар - операторингиз тарифларига мувофиқ тўланади.

График белгилар ва уларнинг тушунтиришлари	
	Sterile medical device in primary packaging. Sterilized using steam or dry heat/Бирламчи қадоқдаги стерил тиббий буюм. Буғ ёки қуруқ иссиқдан фойдаланиб стерилланган
	Do not use if package is damaged/Қадоғи шикастланганда қўлланилмасин
	Do not re-use/Такроран қўлланилмасин
	Consult instructions for use/Қўллаш бўйича йўриқномалар билан танишиш
	Manufacturer/Ишлаб чиқарувчи
	Temperature limit/Ҳарорат чеклови
	Date of manufacture/Ишлаб чиқариш санаси
	Use-by date/Кейин қўлланилмасин

партияси <b>LOT</b>	Batch code/Партия коди
------------------------	------------------------

Охирги қайта қўришнинг санаси: 22.08.2023. Версияси: 02.